

2025 йил 6-ноябр

Ўзбекистон Хитой халқаро импорт кўргазмасида (СІІЕ 2025) муносиб иштирок этмоқда



Шанхай шаҳрида ўз ишини бошлаган 8-Хитой халқаро импорт кўргазмаси (СІІЕ 2025) доирасида Ўзбекистон Миллий стенди ўзининг бой саноат салоҳияти, миллий ҳунармандчилик анъаналари ва амалий санъат намуналарини кенг жамоатчиликка тақдим этмоқда. Ушбу йирик халқаро кўргазма – дунёнинг энг нуфузли савдо майдонларидан бири бўлиб, унда кўплаб давлат ва минтақаларнинг компаниялари, шунингдек, минглаб йирик халқаро брендлар ўз маҳсулот ва хизматларини намоиш қилмоқда.





Мазкур нуфузли халқаро тадбирда “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамда “Ўзкимёимпех” МЧЖ вакиллари фаол иштирок этиб, Ўзбекистон кимё саноатининг экспорт салоҳияти, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ва халқаро ҳамкорлик йўналишларидаги имкониятларни хорижий ҳамкорларга таништирамоқда. Ушбу иштирок Ўзбекистоннинг глобал савдо тизимига фаол интеграциялашуви, миллий маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, янги инвестициялар ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдаги муҳим қадамлардан биридир.



10 ноябрга қадар давом этадиган тадбир доирасида Ўзбекистон тенди кўплаб халқаро иштирокчилар ва меҳмонлар эътиборини тортиб, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини муносиб тарзда акс эттирмоқда.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/o-zbekiston-xitoy-xalqaro-import-ko-rgazmasida-ciie-2025-mun>